

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БЕКМУРОДОВ ХУМОЙИДДИН ТОЖИЕВИЧ

**УНУМДОРЛИГИ ПАСТ ЕРЛАРДА ҒЎЗА ВА ҲАМКОР
ЭКИНЛАРНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА)**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 633.51: 633.34, 633.36/37

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on agricultural sciences

Бекмуродов Хумойиддин Тожиевич

Унумдорлиги паст ерларда ғўза ва ҳамкор экинларнинг суғориш тартибини
ишлаб чиқиш (Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим
шароитида).....3

Бекмуродов Хумойиддин Тожиевич

Разработка режима орошения хлопчатника и совместных культур на
низкоплодородных землях (в почвенно- климатических условиях
Сырдарьинской области).....21

Bekmurodov Xumoyiddin Tojievich

Development of irrigation scheduling of cotton and companion crops in low fertile
soils (in soil-climatic conditions of Syrdarya province).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БЕКМУРОДОВ ХУМОЙИДДИН ТОЖИЕВИЧ

**УНУМДОРЛИГИ ПАСТ ЕРЛАРДА ҒЎЗА ВА ҲАМКОР
ЭКИНЛАРНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА)**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD.Qx494 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Шадманов Джамалиддин Қазақжанович
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Норкулов Усмоғкул кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Камилов Бахтиёр Султонович
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим


Етакчи ташкилот:


Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти


Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28 09 2022 йил соат 13 30» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (99878) 150-62-48; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (136 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (99878) 150-62-48; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 09 куни тарқатилди.
(2022 йил «12» 09 №- 1 рақамли респ. баённомаси).

 **Ш.Н.Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 **Ф.М.Хасанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

 **Ж.Х.Ахмедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор



Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича глобал иқлим ўзгариши натижасида сув ресурсларининг танқислиги кузатилиши билан бирга сўнги йилларда ичимлик суви истеъмоли ер шарида 8 мартага ошганлиги аниқланган. «Дунё бўйича суғориладиган ерлар 307,955 млн. гектарни ташкил этиб, ҳар йили суғориш учун 2,8 млн км³ чучук сув сарфланади. Сув етишмаслик муаммосини ечишда кўп мамлакатларда ғўзани турли хил дуккакли дон экинлари билан ҳамкор экин сифатида етиштиришади, АҚШда 19,3 млн., Бразилияда 17,4 млн., Ҳиндистонда 14,8 млн., Ҳитойда 12,3 млн., Мексикада 10,0., Австралияда 3,5 млн., Покистонда 3,7 млн. гектарни ташкил этади»¹. Ер юзиде аҳоли сони ошиши, суғориб деҳқончилик қилиш майдонлари чегараланганлиги, ерлардан унумли фойдаланишни таъқозо этади ва бу муаммони ечишда бир майдонда бир неча хил экин экиб ҳосил олиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, турли хил экинларни ҳамкорликда парваришлаш агротехнологияларини илмий асослаш бўйича изланишлар олиб борилиб, ҳамкор экинларни танлаш, уларни экиш меъёрларини аниқлаш, минерал ўғитларга ва сувга бўлган талабларини ўрганган ҳолда етиштириб юқори ҳосил олишга эришилмоқда. Бу борада ҳар бир экинни ўзига хос етиштириш агротехникасини ҳамда уларни зарар-қунандаларга бардошлигини, бегона ўтлар билан зарарланиши ва етиштириладиган асосий экинни ҳосилига таъсирини илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда суғориладиган ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда унумдорлиги паст ерлардан самарали фойдаланган ҳолда ғўза ва ҳамкор экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 октябр 2019 йилдаги ПФ-5853 сон Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш» каби устувор вазифалар белгилаб берилган² ва бу борада унумдорлиги паст ерларнинг унумдорлигини оширишда ҳамкор экин сифатида дуккакли экинларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш долзарб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 июл 2019 йилдаги ПҚ-5742 сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъерий-

¹ <http://www.fao.org/dogred018i17928ri17928r024.pdf>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сонли Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида”ги фармони

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончиликда турли экинларни ғўзага ҳамкор экиш ва қисқа алмашлаб экиш технологияси элементларини ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш усуллари ва тартибларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича республикамизда З.Турсунхўжаев, Қ.М.Мирзажонов, М.Сорокин, Г.А.Ибрагимов, Н.Андреев, А.Рахимов, Х.Рахмонов, П.Макаров, Х.Юсуфжанов, А.О.Рустамов, П.Хусайнов, Ж.Икромов, Ш.Нурматов, А.Абдурахимов, У.Норқулов, У.Нематов, И.Ҳошимов, И.Э.Рўзиевлар, экинларни суғориш бўйича С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов А.Э.Авлиёқулов, Б.М.Мамбетназаров, М.Х.Хамидов, Б.С.Комилов, С.Х.Исаев, М.М.Хасанов, А.С.Шамсиев, М.А.Авлиёқулов, хорижда А.А.Hoshy, Н.М.Mahammad, S.B.Patil, M.H.Johnson, V.N.Aiyer, L.Dolozar, A.A.Сташов, D.Balla, S.Maasen, J.Andersson, B.Wedding, K.Tonderski, K.M.Keinzler, A.S.Qureshi, M.Qadir ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, Сирдарё вилоятининг сизот сувлари сатҳи 2,0 метр чуқурликда жойлашган унумдорлиги паст ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўза билан мош ва сояни ҳамкор экин сифатида парваришlashда уларнинг суғориш тартиблари, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш устида илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-212 “Унумдорлиги паст тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва ғўза ҳамда ҳамкор экинлардан мўл ҳосил етиштириш агротехнологиясини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Сирдарё вилоятининг унумдорлиги паст ўтлоқи бўз тапроқларида ғўза ва ҳамкор (мош ва соя) экинларини суғориш тартибларини, ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш, пахта ва дуккакли дондан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехникасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўза ва ҳамкор экинларни турли суғориш тартибларининг тупроқнинг агрофизикавий хосса-хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига ғўза ҳамда ҳамкор экинларнинг таъсирини ўрганиш;

ўтлоқи бўз тупроқларларда ғўза ва ҳамкор мош, соя экинларини мақбул суғориш муддатлари, сони ва меъёрларини аниқлаш;

ғўзанинг “Султон” ва ҳамкор экинлар мошнинг “Маржон”, соянинг “Нафис” навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толаси технологик сифат кўрсаткичларига суғориш тартибларининг таъсирини ўрганиш;

ҳамкор экинлар етиштиришда ғўза ва мош ёки ғўза ва соя экилганда бир центнер ҳосил олиш учун сарфланган сув сарфини аниқлаш;

унумдорлиги паст бўлган ерларда ғўза ва ҳамкор экинларни парваришлаш агротехникасининг иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сирдарё вилоятининг шўрланишга мойил унумдорлиги паст бўлган ўтлоқи бўз тупроқлари, ғўзанинг “Султон”, ҳамкор экинлардан мошнинг “Маржон” ва соянинг “Нафис” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Сирдарё вилоятининг шўрланишга мойил унумдорлиги паст тупроқлар шароитида тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари, суғориш тартиблари, ғўза билан ҳамкор экин мош ва сояни ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. илмий тадқиқотни олиб боришда лаборатория ва дала тажрибалари ПСУЕАИТИда ишлаб чиқилган “Дала тажрибалари услублари” ва “Методы определения свойств хлопка-волокна” қўлланмалар асосида бажарилиб, олинган маълумотлар аниқлигини ва ишончлилиги Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби бўйича математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор унумдорлиги паст ўтлоқи бўз тупроқларда ғўза ва ҳамкор экинларни суғориш тартибларига (ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60%,) боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларининг ўзгариши аниқланган;

унумдорлиги паст бўлган ерларда ғўза ва ҳамкор экинларнинг мақбул суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 75-75-60% бўлганда 0-2-0 тизимда мавсум давомида 1545 м³/га меъёрда суғориш аниқланган;

ғўзанинг “Султон”, ҳамкор экинлардан мошнинг “Маржон” ва соянинг “Нафис” навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши ҳамда шаклланган пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларини суғориш тартибларига (ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоизда) боғлиқлиги исботланган;

ғўза ва ҳамкор экинлар етиштирилган майдонда мавсумий сув баланси кўрсаткичи ва бир центнер ҳосил олиш учун сарфланган сув миқдори 128,9 - 144,3 м³/ц ни ташкил этгани аниқланган;

унумдорлиги паст ерларда ғўза ва ҳамкор экинларни етиштириш агротехникасининг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сирдарё вилоятининг унумдорлиги паст, шўрланишга мойил, сизот

сувлар сатҳи 2,0 метргача бўлган, механик таркиби енгил ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўзага ҳамкор сифатида мош ва соя экинлари экилиб, ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60% тартибда суғорилганда тупроқнинг хажм массаси 0,02-0,08 г/см³ ортиши, тупроқнинг ғовақдорлиги 0,7-3,1 %, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 157-353 м³/га камайганлиги аниқланган.

Ғўза билан ҳамкор экин сифатида мош ва соя экилганда ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида 0-1-0 тизимда 1 марта суғорилиб, суғориш меъёри 812 м³/га, 1 ц пахта ҳосили учун сув сарфи мош билан экилганда 109,1 м³/ц, сояда 123,1 м³/ц, ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % суғориш тартибида 0-2-0 тизимда 2 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 1545 м³/га, 1 ц пахта ҳосили учун сув сарфи ғўза билан мош экилганда 128,9 м³/ц, сояда 144,3 м³/ц ни ташкил этган.

Ғўза билан мош ҳамкор сифатида экилиб, ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда суғорилганда ғўзадан 27,0 ц/га, мошдан 5,0 ц/га, ғўза соя билан ҳамкор экилганда ғўзадан 25,0 ц/га, соядан 9,1 ц/га, ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда суғорилганда ғўзадан 29,2 ц/га, мошдан 5,0 ц/га, ғўза билан соя ҳамкор сифатида экилганда ғўзадан 26,9 ц/га, соядан эса 9,4 ц/га ҳосил олинган.

Ғўза билан мош ҳамкор сифатида парваришланиб ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда суғорилганда 6054,8 минг сўм/га соф фойда олинган ва рентабеллик 41,6 % ни ташкил этган бўлса, ғўза билан соя ҳамкор сифатида экилиб, ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда суғорилганда 7566,3 минг сўм/га соф фойда олинган ва рентабеллик 53,0 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга статистик ишлов берилгани, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келгани, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ва маҳаллий ҳамда хорижий нашриётларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сирдарё вилоятининг унумдорлиги паст, шўрланишга мойил ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўзани мош ва соя экинлари билан ҳамкор экишда тупроқ унумдорлиги, унинг сув-физик хоссалари ва суғориш тартибларининг мазкур экинларни яхши ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти Сирдарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитида ғўза билан ҳамкор экин сифатида мош ва соя экинлари етиштирилганда ер, сув ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланган ҳолда

пахта хосилига қўшимча равишда мош ва соя экинидан юқори дон хосили олинганлиги ҳамда рентабеллик ортганлиги ва ишлаб чиқаришга тавсия бериш ва жорий этилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сирдарё вилоятининг унумдорлиги паст, шўрланишга мойил ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўзани мош ва соя билан ҳамкор етиштиришда суғориш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида:

“Сирдарё вилояти шароитида унумдорлиги паст ерларда ғўза ва ҳамкор экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича тавсиянома” тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг “Унумдорлиги паст ерларда ғўза ва ҳамкор экинларни суғориш агротехнологияси” (-IP-CENTER №0001384) гувоҳномаси олинган (Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 13 декабрь 2021 йил 03/27-3613 сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома ғўзани мош ва соя билан ҳамкор экиш бўйича қўлланма сифатида ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари ва кластерларда фойдаланиб келинмоқда;

ғўзанинг “Султон” навини ҳамда ҳамкор экин мошнинг “Маржон” навлари билан парваришlash агротехнологияси Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги “Янги Зафар” ф/х 11 га, “Олтин Ўрда” ф/х 15 га, жами 26,0 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 13 декабрь 2021 йил 03/27-3613 сон маълумотномаси). Натижада суғориш сувлари тежалишига эришилган ҳамда пахтадан 2,5 ц/га, мошдан 4,6 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

ғўзанинг “Султон” навини ҳамда ҳамкор экин соянинг “Нафис” навлари билан парваришlash агротехнологияси Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги “Мега Макс ҳамкор” ф/х 12,5 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 13 декабрь 2021 йил 03/27-3613 сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжалигида пахтадан 2,5 ва соядан-6,7 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, шартли соф фойда 7566,3 минг сўмни ташкил этиб, иқтисодий самарадорлик экинлар бўйича 12-18 фоизга, рентабеллик даражаси 12-26 фоизга юқори бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала тажрибалари ҚХБИММ ва ПСУЕАИТИнинг махсус апробация комиссияси томонидан яхши баҳоланган, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилиб, шулардан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, ундан 2 та республика 1 та хорижий журналда нашр этилди ҳамда 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларини апробациясидан ўтганлиги, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Вўзани ҳамкор экин мош ва соя билан парваришlash ва суғориш бўйича тадқиқотлари шарҳи”** деб номланган биринчи бобда ўўзанинг “Султон” нави ҳамда мошнинг “Маржон” ва соянинг “Нафис” навларини етиштиришда агротехник тадбирлар тизими мажмуасини илмий жихатдан ўрганиш бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса, илмий фикрлар халқоро ҳамда мамлакатимиз журналлари ва адабиётларида чоп этилган илмий хулосалар таққосланган. Вўзани ҳамкор экинлар билан парваришlashда сув, озиқага бўлган талаби, суғориш тартиби, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, фойдали харорат йиғиндиси, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланишининг хосилдорликка ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсири каби омиллар кенг миқёсида ўрганилганлиги баён этилган.

Врганилган адабиётлар шарҳидан қуйидагича хулоса қилинган, республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида асосий экин сифатида экиладиган дуккакли дон экинлар ва ўўза билан ҳамкор экинлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари жуда кам ўтказилган. Илмий ишлар асосан суғориш меъёрларига ва дуккакли дон экинларининг биологияси, унда кечадиган физиологик жараёнлар, тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамиятига бағишланган.

Лекин бу маълумотларнинг аксариятида озиқа экинларини аралаш экишнинг афзаллиги кўрсатилган. Пахтачиликда экинларни ҳамкор сифатида экиш тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Асосан бундай экиш Хитой, тропик минтақадаги Хиндистон, Покистон сингари давлатларда анъанавий усул сифатида қўлланилиб, бу йўналишда илмий тажрибалар етарли эмас. Унумдорлиги паст тупроқлар шароитида етиштирилган ўўза хосили ўзини қопламаганлиги ҳаммага маълумдир. Шунинг учун пахтачиликда экинларни ҳамкорликда ўстириш усулларини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эгалиги, шу билан бирга ушбу технология бўйича Сирдарё вилоятининг унумдорлиги паст ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ўрганиш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг “Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ, иқлим ва мелиоратив шароити ҳамда тадқиқот услублари” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот ўтказилган худуднинг жойлашган ўрни, геоморфологияси, иқлими, геологик ва гидрогеологияси, тупроқ хоссалари таърифи, тупроқнинг шўрланиш ҳолати ва тавсифи, тадқиқот услублари, тажриба тизими, ғўза ва ҳамкор экин навлари тавсифи, дала тажрибасини амалга оширишда ўтказилган агротехник тадбирлар рўйхати бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертация тадқиқотлари Сирдарё вилоятининг ер ости сувлари сатҳи 2.0 метргача жойлашган, қадимдан суғориладиган унумдорлиги паст шўрланишга мойил, механик таркиби енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида 2019-2021 йиллар давомида Гулистон туманидаги Шўрўзақ ботиғида жойлашган “Нурли замин тухфаси” фермер хўжалигида битта тажриба тизими асосида ўтказилган. Бунда ғўзанинг “Султон” навиға ҳамкор экин сифатида мошнинг “Маржон”, соянинг “Нафис” навларини экиб, минерал ўғитларни $N-200$, P_2O_5-140 K_2O-100 кг/га меъёрида қўллаб, суғоришни ЧДНСга нисбатан уч хил 65-65-60 %, 70-70-60 % ва 75-75-60 % тартибларида ўрганилган.

Маълумки, ҳар қандай тажрибани олиб боришда худуднинг об ҳавоси бўйича маълумотлар таҳлил қилиниб, тадқиқотлардаги суғориш меъёрларини аниқланади ва экинларни сув истеъмоли бўйича ҳисоб китобларни амалга оширишда хизмат қилади. Тадқиқот ўтказилган йилнинг об-ҳаво маълумотлари таҳлил қилинганда, қиш фаслида (январ-феврал ойида) хавонинг илиқ келиши ($5,5-7,3$ °C) ва баҳорда (март ойида) хароратнинг юқори кўтарилишига экин-тикин ишларини эрта бошланишига шароит яратиб берди ва чигит экиш ишлари март ойининг учинчи ва апрел ойининг биринчи ўн кунлигида бажарилди. Апрель ойида ёғингарчиликни кўп бўлиши ($105,7$ мм) ниҳолларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Ғўза ниҳолларида гоммоз, илдиз чириши чигитни қайта экишни тақозо этди ва бу тадбир май ойининг бошларигача давом этди. 2021 йилнинг иқлим шароити бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилинганда, қиш фаслида (январ-феврал ойида) хавонинг илиқ келиши ($3,4-8,9$ °C) ва баҳорда (март ойида) хароратнинг кескин кўтарилиши натижасида экин-тикин ишларини эрта бошланишига шароит яратиб берди. Апрель ойининг учинчи ўн кунлигида ёғингарчиликни кам бўлиши ниҳолларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Май ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб хароратнинг кўтарилиши, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этди. Июл ва август ойларида хаво хароратининг ўта юқори бўлиши самарали хароратни қисқа муддатда кўп тўпланишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида экинлар ҳосилини ўз муддатида йиғиб олишни таъминлади. Куз ҳавосининг ёғингарчиликсиз ва мўътадил келиши ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олишга қулай имкон яратди.

Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш учун баҳорда умумий фонда даланинг 5 та нуқтасидан конверт усулида амал

даври охирида ғўзага ҳамкор экилган, яъни суғориш тартиблари бўйича 0-30 ва 30-50 см лик тупроқ қатламларидан аралашган тупроқ намуналари олинди. Бу намуналарда умумий гумус миқдори И.В.Тюрин; ялпи азот ва фосфор И.М.Мальцева, Л.Н.Гриценко; нитратли азот – ионометрик асбобда; ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий П.В.Протасов усулларида аниқланган. Тупроқ намуналари махсус бур ёрдамида олинди. Тупроқнинг механик таркиби М.П.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида аниқланган.

Тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский усулида 500 см³ цилиндрлардан фойдаланиб аниқланган. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ташқи ва ички металл ҳалқалардан фойдаланган ҳолда Долгов усулида, тупроқнинг чекланган дала нам сифими лаборатория шароитида Кабаев усулида, суғориш олди тупроқ намлиги термостат-тарози усулида аниқланган. Ҳар бир суғориш олдидан фазалар бўйича гуллашгача 0-50 см, гуллаш ҳосил тўплашда 0-70 см ҳисобий қатламлар чуқурлигида ҳамда пишиш даврида 0-70 см гача қатламлардан тупроқ намуналари олиниб, суғориш олди тупроқ намликлари аниқланган. Ғўза ва ҳамкор экинларни ривожланиш даврларининг бошида июн, июл, август, сентябр ойларининг 1-3 кунларида ўсимлик намуналари олиш ЎзПИТИнинг услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тажриба даласи сув балансини аниқлаш учун хар 0-10 см қатламда баҳорда умумий фонда ва кузда ғўзага ҳамкор экинлар экилган ҳамда суғориш тартиблари бўйича 1,0 м чуқурликдан тупроқ намунаси олиниб, тупроқдаги захира намликлари термостатда қуритилиб, тарозида тортилган ҳолда аниқланган.

Суғориш вақтидаги сув сарфи (брутто-нетто) миқдорлари остонаси 0,50 м кенгликдаги “Чипполетти” сув ўлчагичи ёрдамида аниқланган. Ғўзанинг “Султон” навининг бир дона кўсақдаги пахта ва 1000 дона чигит вазни, ҳамкор экинлар мошнинг “Маржон” нави ҳамда соянинг “Нафис” навининг 1000 дона дон вазни ва ҳосилдорлик ҳисобий қаторлардан териб олинган намуналар бўйича аниқланган. Олинган маълумотларга математик ишлов бериш Б.А.Доспеховнинг дисперсион таҳлил усулида амалга оширилган. Ўрганилган ғўза навининг 1000 дона чигит вазни ва ҳамкор экинларнинг 1000 дона дон вазни, бир дона кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичларининг ҳосилдорликка таъсири ва улар орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик таҳлил этилганда, 1000 дона чигит ҳамда 1000 дона дон вазни ва бир дона кўсақдаги пахта вазни ошиб бориши билан ҳосилдорлик ҳам ортиб борганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Тажриба даласи тупроғининг агрофизик ва агрохимёвий хоссаларининг ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизик хусусиятлари, тажриба даласи тупроғидаги сувда эрувчан тузлар миқдори, тажриба даласининг сизот сувлари сатҳи, ғўза ва ҳамкор экинларни суғориш меъёрлари ва муддатлари ўрганилганлиги баён этилган.

Бунда тажриба даласи тупроғининг дастлабки агрохимёвий тафсилотлари ўрганилиб, 2019-йил тажриба ўтказишдан аввал тупроқдаги гумус ва озуқа элементлари миқдорини ҳамда уларнинг ҳаракатчан шакллари аниқлаш учун баҳорда 5 нуқтадан умумий фонда кузда эса вариантлар бўйича тупроқ намуналари (0-30 ва 30-50 см) олинди. Ғўза, мош билан соя экилган майдонларда суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоиз тартибдаги вариантларидан тупроқ намуналари олинди, гумус ҳамда азот, фосфор ва калий элементларининг миқдорлари аниқланди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, эрта баҳорда гумуснинг юқори миқдори 0-30 см лик ҳайдов қатламида кузатилиб, 0,774-0,810 % ни ташкил этди. Тупроқнинг ҳайдов остги пастки (30-50 см) қатламида унинг салмоғи янада кам бўлганлиги аниқланди. Умуман олганда, гумус миқдори 0-50 см лик қатламда 0,649 % ни ташкил этди. Бу тупроқнинг гумусга камбағал эканлигидан далолат беради. Шунингдек, тажриба майдони тупроқларида 0-50 см лик қатламда 0,074 % умумий азот ва 0,112 % ялпи фосфор мавжудлиги аниқланди.

2019-2021-йилларда ўтказилган тажрибада тупроқнинг ҳажм массаси амал даври бошида 0-30 см қатламда йиллар бўйича 1,26; 1,27; 1,26 г/см³ ни, ЧДНС кўрсаткичи тупроқнинг 0-70 см қатламида 21,5, 0-100 см қатламида эса 21,9 % ни ташкил этди ва мавсум давомидаги барча суғоришлар ЧДНСга нисбатан олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ғўзани ҳамкор экинлар билан етиштирилганда тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигига суғориш тартибларининг таъсири, г/см³ (2019-2021 йй)

| Тупроқ қатлами, см | Амал даври бошида | | Амал даври охирида | | | | | |
|--------------------|-------------------|------|--------------------|------|-------------------|------|-------------------|------|
| | | | 65-65-60 % | | 70-70-60 % | | 75-75-60% | |
| | г/см ³ | % | г/см ³ | % | г/см ³ | % | г/см ³ | % |
| 2019-йил | | | | | | | | |
| 0-30 | 1,26 | 52,3 | 1,30 | 51,1 | 1,32 | 50,1 | 1,34 | 49,0 |
| 0-50 | 1,31 | 50,6 | 1,34 | 49,6 | 1,35 | 49,1 | 1,36 | 48,4 |
| 2020-йил | | | | | | | | |
| 0-30 | 1,27 | 52,3 | 1,31 | 50,8 | 1,32 | 50,4 | 1,33 | 50,0 |
| 0-50 | 1,31 | 50,7 | 1,35 | 49,2 | 1,35 | 49,2 | 1,36 | 48,9 |
| 2021-йил | | | | | | | | |
| 0-30 | 1,26 | 52,6 | 1,28 | 51,9 | 1,31 | 50,8 | 1,34 | 49,6 |
| 0-50 | 1,30 | 51,1 | 1,31 | 50,8 | 1,34 | 49,6 | 1,36 | 48,9 |

Ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя экилиб, уч хил суғориш тартибида суғорилганда тажриба даласи сув ўтказувчанлигини мавсум бошида умумий фонда мавсум охирига келиб, ғўзага ҳамкор экинлар экилган, яъни тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида умумий фонда мавсум бошида 1201 м³/га ни ташкил қилган бўлса, мавсум охирига келиб суғориш тартиблари бўйича таҳлил қилинганда назорат вариантда 913 м³/га ни ёки мавсум бошига нисбатан 288 м³/га кам сув ўтган бўлса, ғўзага ҳамкор экилган, ЧДНСга нисбатан 65-65-60 %, 70-70-60 % ва 75-75-60 % суғориш

тартибида суғорилган вариантларда мавсум бошига нисбатан тегишлича 157 м³/га, 309 м³/га ва 353 м³/га кам сув ўтганлиги аниқланган.

Тажриба даласи тупроғидаги сувда эрувчан тузлар миқдори тажриба бошланишдан олдин, яъни 2019 йил мавсум бошида ва тажрибанинг охириги йили 2021-йил мавсум охирида аниқланди. Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, тажриба даласи тупроғи шўрланмаган тупроқлар сарасига кириши ва мавсум охирига келиб суғориш тартиблари ортиши билан тузлар миқдори камайиб бориши кузатилиб, тупроқ шўрланиш классификациясига қараб таҳлил қилинганда шўрланмаган тупроқлар сақланиб қолганлиги кузатилган.

Тажриба даласида сизот сувлар сатҳи яқин, яъни 2.0 метргача жойлашганлиги учун ғўзага ҳамкор экинлар экилган ҳамда суғориш тартиблари бўйича сизот сувлар сатҳи декадалар бўйича кузатилиб борилди. Олинган натижаларни суғориш олди ва суғоришдан кейинги сизот сувлар сатҳи таҳлил қилинганда суғориш тадбирлари ўтказилган даврга келиб, унинг сатҳи кўтарилиб турди 15 июлда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибида суғорилган 6-ва 7-вариантларда сизот сувининг сатҳи 68 см га, яъни 197 см дан 25 июл куни ўлчовида 129 см гача кўтарилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба майдонида сизот сувининг суғориш олди ва суғоришдан кейинги ҳолати, см

| Аниқлаш муддат лари | Вариантлар | | | | | | | |
|---------------------------|------------------------|--------------------------------|------------------------|--------------------------------|------------------------|--------------------------------|------------------------|--------------------------------|
| | 1 | | 2/3 | | 4/5 | | 6/7 | |
| | Назорат | | 65-65-60 % | | 70-70-60 % | | 75-75-60 % | |
| | Суғориш олди, см | Суғориш дан кейин, см | Суғориш олди, см | Суғориш дан кейин, см | Суғориш олди, см | Суғориш дан кейин, см | Суғориш олди, см | Суғори шдан кейин, см |
| 10,07 | | | 198 | | | | 197 | |
| 20,07 | 179 | | | 177 | | | | 129 |
| 25,07 | | 135 | 170 | | 167 | | | |
| 10,08 | | | | 155 | | 128 | 150 | |
| 3108 | | | | | | | | 152 |

Шунингдек, шундай маълумотни бошқа вариантларда ҳам кузатиш мумкин. Лекин тажриба ўтказиш жараёнида кузатувларни таҳлил қилинганда ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-60 фоиздаги вариантимида сизот сувлари сатҳи ЧДНСга нисбатан 70-70-60 ва 75-75-60 фоиз суғориш тартибидаги вариантларимида нисбатан камроқ кўтарилгани аниқланди, яъни суғоришдан олдин 198 см бўлган бўлса, суғоришдан кейин эса 155 см гача кўтарилгани аниқланган.


Ќўзага ҳамкор экин сифатида мош ва сояни экиб, ЧДНСга нисбатан 65-65-60 %, 70-70-60 % ва 75-75-60 % суғориш тартибларида суғорилганда суғориш меъёрлари ва муддатлари ўрганилиб таҳлил қилинганда, ғўзанинг ўзи етиштирилган, яъни назорат вариантда мавсум давомида 0-1-0 тизимда суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 907 м³/га га тенг бўлиб, 1 ц пахтага

сарфланган умумий сув миқдори 108,5 м³/ц ташкил этган. Ғўзага ҳамкор экин сифатида мош ва соя экилиб, уларни уч хил суғориш тартиблари ўрганилганда, суғоришни 65-65-60 % тартибда белгиланган вариантда мавсум давомида бир марта ҳам суғорилмасдан 1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори ғўза мош билан ҳамкор экилганда 92,3 м³/ц, ғўза соя билан ҳамкор экилганда 97,8 м³/ц ни ташкил этган. 70-70-60 % суғориш тартибида суғорилганда мавсум давомида 0-1-0 тизимда суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 812 м³/га бўлиб, 1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори ғўза мош билан ҳамкор экилганда 109,1 м³/ц, ғўза соя билан ҳамкор экилганда 123,3 м³/ц ни ташкил этганлиги аниқланган. 75-75-60 % суғориш тартибида 0-2-0 тизимда суғорилиб, мавсум давомида мавсумий суғориш меъёри 1545 м³/га бўлиб, 1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори ғўза мош билан ҳамкор экилганда 128,9 м³/ц, ғўза соя билан ҳамкор экилганда 144,3 м³/ц ни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида ғўзани ҳамкор экин билан етиштиришнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, кўчат қалинлиги, бир дона кўсак пахта вазни, пахта ҳосили ҳамда пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсири баён этилган.

Ғўзанинг ўсиши, ривожланишида июн ва июл ойларининг биринчи кунига қадар олинган маълумотларда вариантлар орасида қатта тафовут аниқланмади. Таҷрибанинг ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-60% белгиланган 2-ва 3-вариантларидан ташқари бошқа вариантларида биринчи суғоришдан сўнг ғўзанинг ўсиши ва ҳосил элементларининг тўпланиши кучайди. Бунда, 1.08 ҳолатига 2 ва 3 вариантларда ғўзанинг бўйи 91,9-91,7 см ни, қолган вариантларда эса, яъни мавсум даврида бир марта суғорилган 4 ва 5- вариантларда 1.08 ҳолатига кўра ғўзанинг бўйи 98,6-97,3 см ни, 6 ва 7- вариантларда эса ғўзанинг бўйи 101,4-100,1 см ни ташкил қилди. Ўсув даври охирига келиб, назорат вариантыда (вар. 1) 6,2 дона тўлиқ кўсак пайдо бўлиб, мавсум давомида бир марта ҳам суғорилмаган, яъни 65-65-60% суғориш тартибидаги вариантда эса бу кўрсаткич 5,8-5,5 донани ташкил этди. ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш тартибида суғорилган вариантда бу кўрсаткич 2-ва 3-вариантга нисбатан 0,2-0,4 дона юқори бўлганлиги аниқланди. Мавсум давомида икки марта суғорилган, яъни суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда суғорилган вариантда ўсув даври охирига келиб 6,4-6,1 дона тўлиқ кўсак пайдо бўлганлиги аниқланган. Ғўзанинг кўчат қалинлиги икки мавсумда аниқланиб, мавсум бошида ва мавсум охирида олинган маълумотларни таҳлил қилинганда, кўчат қалинлиги мавсум бошига нисбатан мавсум охирига келиб 2-3 минг туп/га кўчат йўқотилганлиги кузатилган, яъни ғўзанинг ўзи етиштирилган вариантда мавсум охирига келиб 102,8 минг туп/га кўчат ташкил қилган бўлса, ғўза ҳамкор экинлар билан, яъни ЧДНСга нисбатан 65-65-60 %, 70-70-60 % ва 75-75-60 % суғориш тартибида суғорилиб парвариш қилинганда ўртача 97,5 минг туп/га дан 101,4 минг туп/га кўчат ташкил этган.

Ѓўзани ҳамкор экинлар билан парваришланиб ЧДНСга нисбатан уч хил 65-65-60 %, 70-70-60 % ва 75-75-60 % тартибларда суғорилганда бир дона кўсақдаги пахта вазнига таъсири ўрганилиб, олинган маълумотлар йиллар бўйича таҳлил қилинганда ғўзанинг ўзи етиштирилган, яъни назорат вариантыда бир дона кўсақдаги пахта вазни ўртача 5,1 г ни ташкил қилган. Ѓўзага ҳамкор экин мош ва соя экилиб, ЧДНСга нисбатан 65-65-60 %, 70-70-60 % ва 75-75-60 % тартибларда суғорилганда суғориш тартиблари бўйича бир дона кўсақдаги пахта вазни таҳлил қилинганда ғўза мош билан ҳамкор экилганда ўртача 5,0, 5,2 ва 5,3 г ни ташкил этиб, ғўза соя билан ҳамкор экилганда 5,0, 5,1 ва 5,2 г бўлганлиги аниқланган (1- расм).



1.-расм. Ѓўза ва ҳамкор экинларни парваришлашда суғориш тартибларининг бир дона кўсақдаги пахта вазнига таъсири (ўртача уч йиллик.)

